

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Х У К М

2024 йил август ойининг 12 кунда, жинойт ишлари бўйича Зангиота туман суди, Зангиота тумани Ўратепа МФЙ биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи А.Хонкелдиев, судья ёрдамчиси Ш.Таджиевнинг котиблигида, тарафлардан Зангиота туман прокурори ўринбосари А.Бабаев ва судланувчи Д.Хайитовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган:

1986 йил 25 июнда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, ёлланма ишчи, муқаддам судланган;

1) жинойт ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2003 йил 5 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

169-моддаси 3-қисми “в” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 2 йил синов муддати белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2003 йилдаги “...амнистия тўғрисида”ги Фармониغا асосан жазодан озод этилган;

2) жинойт ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2006 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 166-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жинойт ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 16.06.2009 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг

73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 10 ой 4 кун озодликдан маҳрум қилиш жазо муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

3) жинойт ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2010 йил 5 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59,60-моддаларига асосан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жинойт ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2016 йил 18 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган

5 йил 11 ой 4 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жинойт ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2020 йил



30 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган

1 йил 11 ой 4 кун озодликдан маҳрум қилиш жазо муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ, Чинор МФЙ, А.Навоий кўчаси, 6-уйда яшовчи, иш бўйича 08.06.2024 йилда уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олган **Хайитов Дилмурад Махмудович** (Hayitov Dilmurad Maxmudovich)га

оид 1-1101-2402/310-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, суд қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хайитов Дилмурад Махмудович жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2023 йил 14 декабрдаги қарорига асосан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, қарорга асосан кеч соат 22:00 дан эрталабки соат 06:00 га қадар яшаш манзилида бўлиши, жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, яшаш худудидан ички ишлар органларининг рухсатсиз чиқмаслик, ҳар ойда бир маротаба ички ишлар органига келиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш кўрсатилган бўлишига қарамай, 2024 йил 18 апрель куни жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маъмурий назорат қондасини бузганлиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2024 йил 6 майдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга 340.000 сўм жарима жазоси тайинланган бўлсада, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, маъмурий назоратни ўташдан қасддан бўйин товлаб, унга нисбатан ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларининг ҳар ойда бир маротаба ИИБдан профилактик рўйхатдан ўтиши белгиланган бўлишига қарамай 2024 йил май ойи давомида Зангиота тумани ИИБдан рўйхатдан ўтмасдан маъмурий назорат қондасини бузганлиги аниқланиб, бу ҳақида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Хайитов Дилмурад Махмудович** унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у судланиб



жазо муддатини ўтаб чиққанидан сўнг унга нисбатан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилгани, шундан сўнг у маъмурий назорат қоидасини бузганлиги учун 2024 йил 6 май куни жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиб 340.000 сўм жарима жазоси тайинлангани, шундан сўнг 2024 йилнинг май ойида мавсумий ишда бўлганлиги сабабли ИИБ маъмурий назорат рўйхатидан ўта олмаганлиги, у маъмурий назоратда унга нисбатан қўйилган чекловларни билиши, улардан тўлиқ хабари борлиги, ҳозирда ўз хатосини тушуниб етгани, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслиги, оилавий шароити оғирлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан оилавий шароитини инобатга олиб енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрини, судланувчининг берган кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи Хайитов Дилмурад Махмудовичнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 14.12.2023 йилдаги маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги қарори билан, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 06.05.2024 йилдаги қарори билан, дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомалари, шунингдек, жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди деб ҳисоблайди.

Судланувчи Хайитов Дилмурад Махмудовичнинг маъмурий назорат қоидаларини бузгани учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран маъмурий назорат қоидаларини бузганликдаги жинoий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи Д.Хайитовга нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, яъни унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ва бошқа ҳолатларини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган



ҳолда унга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 65 кун уй қамоғида сақланган ҳар бир кунини тайинланган жазодан чегиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, судланувчи Д.Хайитовга жазо ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида назарда ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши, яъни маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтириб ўтишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

### **Ҳ У К М                      Қ И Л Д И:**

**Хайитов Дилмурад Махмудович** (Hayitov Dilmurad Maxmudovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу моддага асосан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 65 (олтмиш беш ) кун уй қамоғида сақланган ҳар бир кунини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил Д.Хайитовга 1 (бир) йил 9 (тўққиз) ой 25 (йигирма беш) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хайитов Дилмурад Махмудовичнинг яшаш уйи, яъни Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ, Чинор МФЙ, А.Навоий кўчаси, 6-уй озодликни чеклаш жазосини ўташ жойи этиб белгилансин.

Хайитов Дилмурад Махмудовичга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан соат 22:00 дан 06:00 гача тарк этиш тақиқлансин.

Тайинланган жазо Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш ИИБ Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Хайитов Дилмурад Махмудович зиммасига жазони ўташ даврида оммавий тадбирларни ўтказилишида қатнашмаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилинадиган ва кўнгил очар (кафе, ресторан, тунги клуб, таваккалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳлар) жойларга бормаслик қўшимча тақиқлар ўрнатилсин.

Хайитов Дилмурад Махмудовичга жазони ўташ муддати давомида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Д.Хайитовга нисбатан қўлланилган уй қамоғи эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дархол суд залидан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация инстанциясига шу суд орқали шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) А.Хонкелдиев

Аслига тўғри:

**Маъсул судья: Хонкелдиев Азиз Уткирович**

